

## ОНТОЛОГИЯДА СУБСТАНСИЯ ВА АКЦИДЕНСИЯГА ДОИР ТАЪЛИМОТНИНГ ФАХРИДДИН РОЗИЙ ТОМОНИДАН РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

Соҳибжон Сойибжон ўғли Умаржонов

Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти (PhD)

[fenomen1993@bk.ru](mailto:fenomen1993@bk.ru)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Фахриддин Муҳаммад ар-Розийнинг борлиқ фалсафаси (онтология) га доир Осиё ва Еврўпалик олимларнинг тадқиқотлари ва Розийнинг “Латоиф ул-ғиёсийот” асаридаги онтологик қарашлари, хусусан субстансия ва Акциденсияга доир таълимотлар таҳлил қилинди.

**Калит сўзлар:** Борлиқ, субстансия, акциденсия, жавҳар, пантеистик фалсафа, ваҳдат ул-мавжуд ва ваҳдат ул-вужуд, материя, руҳ ва жасад.

### ABSTRACT

This article analyzes the studies of Fahriddin Muhammad ar-Razi on the philosophy of existence (ontology) of Asian and European scientists and ontological views of Razi in “Latoif ul-ghiyosiyot”, in particular his doctrine of substance and accident.

**Keywords:** Universe, substance, accident, javkhar, pantheistic philosophy, wajib ul-wujud, mumkin ul-wujud, matter.

### КИРИШ

Фалсафа фанининг борлиқ масалаларини ўрганувчи бўлими Онтология деб аталади. Онтология сўзи юнонча онтос (мавжудлик) ва логос (таълимот) сўзларининг бирикмасидан ташкил топган бўлиб, “мавжудлик ҳақидаги таълимот”, яни борлиқ ҳақидаги фан маъносини ифодалайди.[1;191] Шарқ фалсафасида онтология кўпроқ илоҳий борлиқнинг моҳиятини акс эттирувчи таълимот тарзида, шарқ пантеистик фалсафасида эса ваҳдат ул-мавжуд ва ваҳдат ул-вужуд кўринишидаги таълимотлар шаклида вужудга келган. Борлиқ ҳақидаги муоммо фалсафада тарихан марказий ўрин эгаллайди. Фалсафа ўрганадиган қайси бир масалани олмайлик, у борлиқ борлиқ муоммоси билан боғлиқ эканлигини кўрамиз. Ҳақиқатдан ҳам, борлиқ, унга муносабат масаласи фалсафий қарашлардан

муҳим аҳамиятга эгадир чунки борлиқ муоммоси фалсафадаги ҳар қандай дунёқараш гносеологик ва методологик муоммоларнинг асоси ҳисобланади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Фахриддин Розийнинг фалсафий дунёқарашини кенг камровли ва мантиқий, теологик, фалсафий, ахлоқий асарларни ўз ичига олади. Унинг асарлари ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларига доир долзарб муоммоларга қаратилганлиги боис нафақат Осийё балки Еврўпа олимларининг ҳам тадқиқот объектига айланган. Хусусан Фахриддин Розийнинг теологик ва Қуръон тафсирига доир диний – фалсафасий қарашлари Еврўпалик олимлар Айман Шихадеҳ [2], Тарик Жаффер [3] ва Ясин Сейлан [4] томонидан тадқиқ қилинган. Розийнинг ахлоқий қарашларини М. Сағир Ҳасан Масуми ўз тадқиқотларида баён этиб ўтган [5]. Шунингдек профессор М.Н.Болтаев[6] ва Н. Наимовлар[7] илмий асарлари ва диссертацияларида Розийнинг онтологик, гносеологик ва мантиқий дунёқарашини биринчи манбалар асосида аниқ ва мукаммал таҳлил қилган. Тадқиқот объектидан келиб чиққан ҳолда ушбу мақоламизда юқоридаги муаллифлар асарлари ва бугунги кунгача ўрганилмаган Розийнинг “Латоиф ул-ғийёсиёт” асаридаги борлиқ фалсафасига доир фикрларни фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қиламиз. Ушбу асар тўғрисида олдинги изланишларимизда ҳам тўхталиб ўтган эдик. [8]

Мазкур мақолада ўрганилаётган мавзу илмий тадқиқотнинг тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, умумлаштириш, таққослаш каби мантиқий методлари асосида ёритилишга ҳаракат қилинди.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Борлиқни шаклларга ажратишда унинг асосида, моҳиятида нималар ётишига этибор қаратиш лозим. Шу тариқа фалсафада субстансия категорияси шаклланган. Субстансия (лотин. субстантия - моҳият, асосида ётувчи нимадир) муайян нарсалар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар хилма-хиллигининг ички бирлигида намоён бўлувчи моҳият.[1; 193]

Субстансия дейилганда фалсафада дастлабки пайтларда борлиқ, табиат, жамият, инсон ва дунёдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг асосида ётувчи моддий ёки руҳий моҳият анланган. Ўрта аср Шарқ фалсафаси намояндалари ал-Киндий, Закариё Розий, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд асарларида субстансия деб ҳамма нарсанинг моддий ёки маънавий асоси, моҳияти тушунилган. Субстансияга қарама-

қарши тушунча “Аксиденсия” деб аталган. Аксидентция (лот. ассидентиа - ўтқинчи, тасодифий) нарса ва ҳодисаларнинг ўтқинчи сифатларини ифодалайди.[1; 194] Форобийнинг ёзишича, “оламда субстансия ва аксиденсия ҳамда уларни яратувчи марҳаматли ижодкордан бошқа ҳеч нарса йўқдир.” «Аксиденсияни сезгилар орқали ҳис этиш мумкин, субстансияни эса фақат ақл англаб етади»; «Масалан, олма - субстансия бўлса, унинг қизиллиги эса аксиденсиядир»[9; 50].

Розий аввал ўтган файласуфларнинг субстансия ва аксидентларга дахлдор таълимотини янада ривожлантирган ҳолда, доимий ҳаракатдаги борлиқ субстансия ва аксидент кўринишидаги предметларга бўлинганлигини айтади. Унинг кўрсатишича, субстансия, мустикал, ўз-ўзича мавжуд бўлган нарсадир ва ўз мавжудлигида бирон нарсага муҳтож эмас, ўз мавжудлигида бошқа нарсага боғланмаган. Аксидентия, бу – мустикал тарзда мавжуд бўлмаган, ташқи таъсирлар натижасида юзага келган нарсадир. Бу туғрида у шундай ёзади: “Олам борлиқдан иборатдир ва бу борлиқ, ўз навбатида, икки қисмдан: субстансия ва аксидентиядан иборат. Ўзи мустикал мавжуд бўлган нарса, ўз-ўзидан субстансия деб аталади, ўзи мустикал мавжуд бўлмагани эса аксидентия деб”. (“Олам ҳар он чи мавжуди аст ва он бар ду қисмат: Жавҳар ва ораз. Жавҳар ҳар он чизл бувад, ки Мутахаййир бувад. Ораз ҳаар он чиз бувад. Ки коим бузад ба жавҳар”)[10; 55-56].

Мутафаккирнинг қарашларига кўра, субстансия ва Аксидентия, бу – бир хил тушунча эмас, балки, ўзаро яқин боғланган иккита турли хил тушунчалардир. Субстансия нарсаларнинг асосини, моҳиятини, аксидентия эса – нарсаларнинг кўриниши, сифатини ташкил қилади. Шу боис, Розийнинг таъкидлашича, уларни бир-биридан ажратиш ва уларнинг сифатини бир хил тушунча деб тан олиш мумкин эмас. “Зеро, субстансия нарсалар, ташқи олам асосининг моҳиятидир, шунга кўра, ўз шакли ва таркибига эга. Маълумки, ўрта асрнинг бир қатор файласуфлари, шу жумладан, ислом ғоялари вакиллари ҳам табиатдаги сабабий-узвий алоқаларни инкор этадилар, Аксидентия эса – нарсаларнинг сифатини инкор этадилар. Демак, субстансия ва аксидентия бир хил тушунча эмас, балки, иккита турли хил тушунчалардир”. [10; 20]

Жисм ҳақида сўз юритганда, Розий жисм субстансия ва Аксидентияларнинг бирикиши натижасида ҳосил бўлади, субстансия ва Аксидентия, моддий дунёнинг нарсаларида бирикади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам узвий алоқада ва ўз бирликларида жисмни ҳосил қиладилар деб ҳисоблайди. “Агар субстансия

ва акциденция биргаликда қўшилган бўлсалар,— бу жисм деб номланади”.[10; 55] Моддий нарсалар сифати уларнинг моҳиятидан ажралмас бўлгани боис, субстанция ва Акциденцияларнинг бирлиги моддий дунёнинг мавжуд бўлишининг мажбурий шартини ташкил қилади.[10; 55] Розий жисмларни оддий ва мураккабларга ажратади. Оддийлари деб, ўз табиати ва моҳиятига кўра турли хил бирикмалардан иборат бўлмаган жисмлардир Мисол учун, самовий жисмлар ва унсурлар. Мураккаб жисмлар деб эса руҳ ёки сезги органларининг бештаси берилган ёки бундай туйғулардан йироқ жисмлар тушунилади. Мисол учун, дарахтлар. Туйғу органлари берилган жисмлар — жониворлар, агар нутқ қобилияти бўлса, бу — инсонлардир, агарда бундай қобилият бўлмаса, бу — бошқа жониворлар. (“Жисм ё басит бошад, ё мураккаб. Муродимо мо аз басит он аст”, ки хаки кати у фароҳам наёмада бошад аз жисмхо, ки мухталиф бошад ба табиат ва моҳият. Басит ё фалаки бувад, ё унсури. Мураккаб нафс бошад, ё ғайри нафс. Аммо ғайри нафс жимодаст, чунмаъдан ва ғайри он. Ва нафс ё хиссос бузад, ё ғайри хисос. Ва ғайри ҳисос набот аст, мисли ашжар за хисоси хайзон аст. За агар бо у нотик бувад, инсон аст ва агар ғайри нотик бувад, диган ҳайвон аст”).[11; 29//12; 378]

Дунёнинг ҳаракатдаги манзараси ҳақидаги ушбу тасаввур, профессор М.Н. Болтаевнинг такидлашича, мутафаккирнинг қарашларида ижобий ҳисобланади, зеро у чиндан ҳам реал мавжуд моддий буюмлардан келиб чиқади, гарчи, самовий жисмлар ва унсурларни оддий жисмлар рўйхатига киритиш асло мумкин эмас. Айни пайтда, шуни унутмаслик керакки, мутафаккир томонидан таркибий бўлмаган деган қарашда эмас, балки, юқорида кўрсатилган мазмунда баён этилган. Розий оддий жисмлар таркиби ҳақида гапирганда эса ҳар битта оддий жисм ўзида бир неча жисмларни ўзида мужассамлаштиришини иккиланишсиз айтиб ўтган. [6; 197]

Розий оддий ва мураккаб жисмларга алоқадор бўлган масалаларни таҳлил қилган ҳолда, моддий зарраларнинг тузилиши ва структурасига оид материалистик қарашларга ижобий фикр билдиради.

Мутафаккир моддий жисмлар таркиби ва тузилиши ҳақидаги ўз фикрини такомиллаштирган ҳолда таъкидлайдики, “жисмлар таркибий бўлинувчанлигига кўра оддий ва мураккаб турларга бўлинади”. Мураккаб жисм ўзининг табиати ва моҳиятига кўра бошқа жисмларга қарама-қарши бўлган жисм ҳисобланади. Мисол учун, мураккаб қарама-қарши қисмлардан таркиб топган инсонлар танаси. Оддий жисмлар эса табиатига кўра бошқа жисмларга қарама-қарши

ҳисобланмайдиган нотаркибий жисмлардир. Масалан, сув ва ҳаво. [11; 75-76]

У оддий ва мураккаб жисмлар ҳақидаги фикрини давом эттириб, улар шундай жисмларки, улардан ҳар бири ўзига хослиги ва хусусиятига эга ва шу билан бир-бирдан фарқ қилишини таъкидлайди. Ушбу фикрни тасдиқлаш учун Розий шундай ёзади: “Оддий (нотаркибий) жисмларнинг бир қисми олиб ташланса ҳам ўзларининг моҳиятига кўра ўзининг бутунига ўхшаш ҳолда қолган аъзо ёки тана қисми саналади. Бунинг мисоли сифатида, суяк, эт ва тери бўлиши мумкин. Уларнинг ҳар биридан ҳеч бўлмаганда битта қисмини олиб қўйсак ҳам, улар барибир суяк, гўшт, тери бўлиб қолавериши ўз бутунлигига (умумийлигига) мувофиқ (тенг) эканлигини исботлайди”. [12; 48-49]

Бироқ Розий оддий таналарнинг (мисол учун тери ва эт) ҳаммаси ҳам оддий эмаслигини, улар ҳаммага маълум тўрт унсур (сув, олов, тупроқ, ҳаво) билан таққосланганда улар мураккаб таркибий бўлиши мумкинлигини баён этади.”[12; 249]

Кўриб турибмизки, Розий икки оддий унсурни таққослашда, шундай ҳулосага келадикки, ҳеч бўлмаганда биттаси ўз-ўзича берилса ва оддий ҳисобланса, бироқ, бошқа предмет билан таққослаганда, энди у оддий ҳисобланмайди, балки мураккаб, таркибий ҳисобланади. Розийнинг фикрларига мувофиқ агар мураккаб жисмлардан бирининг бир қисми етишмаса, улар ўзларининг бутунига ўхшай олмайдилар ёки ўзларининг бутуни билан тенглаша олмайдилар. Бунга қўллар ва оёқлар мисол бўла олади. Зотан қўл ва оёқлардан бири бўлмаса, бу ўзининг бутунлигига (умумийсига) мувофиқ бўла олмайди. [12; 248]

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Розийнинг оддийларга (элементар) ва мураккабларга (таркибий) нисбатан айтган фикрлари бизга араб файласуфларнинг юқоридаги масала бўйича айтган фикрларини эслатади. Маълумки, моддий субстансияларнинг мавжудлигини тан олувчи аксарият араб файласуфлари уларнинг оддийлиги ва мураккаблиги мазмунида улар ўртасидаги фарқни тан оладилар. Шу боис улар моддий субстансияларни икки гуруҳга бўлганлар: мураккаб ва оддийларга. Улар таъкидлаганидек оддий материя ўзининг кимёвий ва физик таркибига кўра ўз бутунлигига тенг материядир, мураккаб материяни эса турли унсурлардан иборат, қисми ўз бутунлигига тенг бўла олмайдиган материя сифатида белгилаганлар. Мисол учун, сув, ер, олов ва ҳаво каби материя, уларнинг тушунчасига кўра, оддий материя

ҳисобланади, турли хил металллар, жониворлар ва инсон мураккаб моддий субстансиялар ҳисобланади.

Инсон мураккаб моддий субстансия эканлиги тўғрисида Фахриддин Розий ўзининг “Латоиф ул-ғиёсиёт” асарида инсон фалсафасига доир мукамал фикрларини, ўз қарашларини бериб ўтган. У инсонни Аллоҳ томонидан яратилганлиги ва енг улуг – зоти шариф даражасига кўтарилганлигини таъкидлайди ва инсон сифатлари хусусида шундай фикр билдиради: “Инсон мураккаб мавжудод. У икки жавҳардан иборат: руҳ ва жасад яъни тана. Одам танаси егулик истемол қилиш, ҳаракатланиш вазифасини бажарса, руҳ ақлий нарса, унга маънавий хусусиятлар хосдир.”[8; 70] Инсон ҳам маънавий руҳдан ҳам бадандан тузилганлиги учун уни мураккаб деб атайди. Розийнинг асарларини ўрганиш давомида унинг мантиқ илмида моҳир эканлигини, ўз фикрларини баён этишда исботлаш, хулоса қилишда осон бўлиши учун диалектика қонунидан моҳирона фойдаланганлигини кўришимиз мумкин. Юқоридаги билдирган фикрида ҳам руҳ ва тана қарама – қаршилиги орқали ўз қарашларини ифодалаган. Яъни унда инсон мураккаб мавжудод эканлиги, унинг моҳияти чексиз эканлигини англашимиз мумкин. Инсон мураккаблигига далил сифатида унинг икки жавҳардан руҳ ва танадан иборат бўлганлигидадир. Аллоҳ яратган бошқа мавжудодлар инсондан жуда кўп жиҳатдан фарқ қилади. Мисол учун фаришталарни назарда тутадиган бўлсак, нурдан яратилганлиги уларнинг танаси мавжуд эмаслигидадир. Инсондан ташқари турли хил мавжудодлар, ҳайвонларда еса тана мавжуд, руҳ мавжуд лекин уларнинг руҳига ақлий, маънавий хусусият хос эмаслигини кўришимиз мумкин. Инсон танаси руҳ ва жасаддан иборат ва руҳ ақлий, маънавий хусусиятга егадир.

Жисмлар қисмларга бўлинади деган тушунчага нисбатан олимлар ва файласуфлар ўртасида бир-бирига қарама-қарши фикрлар мавжуд. Бироқ таналар қисмларга бўлиниши борасида ҳеч қанақа шубҳа бўлмаслиги керак. “Оддий тана, – ёзади Розий, – ўз моҳиятига кўра, ягона ва узлуксиз бўлинишга қодир бўлиши мумкин.”[11; 78]

Фахриддин Розий оддий жисмларнинг структураси, тузилиши ҳақидаги турли гипотезаларни тадқиқ қилар экан, оддий деб аталадиган жисм ўз структурасига кўра асло оддий эмас, балки элементар зарраларнинг туганмас микдоридан иборат, мураккаби эса ҳаракатланадиган, фаол жисмлар каби узлуксиз бўлинади ва битмас-туганмасдир деган хулосага келади. М.Н. Болтаевнинг таъкидлашича, материянинг қурилишига оид мазкур халқона қараш замонавий табиатни

билишнинг барча назарий ютуқлари томонидан тасдиқланади.

## ХУЛОСА

Розий ўзининг фалсафий асарларида субстансия ва материянинг Аксиденсия ва шаклга нисбатан устувор роли, уларнинг ўзаро алоқаси ва бирига боғлиқлигини тан олган, реал дунёдаги предмет ва ҳодисаларнинг сабабий алоқасини, ҳаракат, макон, замон ва уларнинг узлуксиз ўзаро алоқаси объектив борлигини тан олган. Бунинг барчаси, шубҳасиз, унинг таълимотидаги рационал марказни ташкил этади. Ва у, шубҳасиз, улкан ижобий роль ўйнади, зеро, бу – исломнинг асосий доғмаларига зиддир. Шунинг учун ҳам Розийни Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг илғор фалсафий фикрларини ривожлантиришда катта роль ўйнаган ўрта асрлар даврининг эркин фикрловчи ва илғор мутафаккир-файласуфлардан, шунингдек, Ўрта Осиё ва мусулмон Шарқининг бир қатор кейинги мутафаккир-файласуфларнинг дунёқарашига улкан ижобий таъсир кўрсатганлардан бири деб бемалол ҳисоблаш мумкин.

## REFERENCES

1. Axmedova, M. “Falsafa”. Toshkent, 2006. – bet 354
2. Ayman Shihadeh. “The Teleological ethics of Fahr al-Din al-Razi”. Brill Leiden Boston, 2006. – bet 275
3. Tariq Jaffer. “Razi Master of Qur'anic Interpretation and Theological Reasoning”. Oxford University Press, 2015. – bet 244.
4. Yacin Ceylan. “Theological and Tafsir in the major works of Fakhr al-Din al-Razi”. Thesis presented for the degree of Ph.D. in the Faculty of Arts, University of Edinburg. 1980. – p 264
5. M. Saghir Hasan Masumi, “Imam Razi’s Ilm al-akhlaq”. Kitab Bhavat.: New Delhi, 1992. – p 333
6. Болтаев М.Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн-Сины и его школы. Душанбе, 1965. – с 295.
7. Наимов Н. Философские и логические воззрения Фахриддин Розии; Дис. канд. фил. наук – Тошкент, 1975. – с 203.
8. Umarjonov S. Fahriddin Muhammad ar-Roziyning (1149-1209) “Latoif ul-g’iyosiyot” asarining falsafiy-germenevtik tahlili. Magistr akademik darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. T.:2020. –bet 121. // Umarjonov, S.S., Safarov, M.K. (2021). Fahriddin Roziyning “Latoif ul-g’iyosiyot” qo’lyozma asarida aql va e’tiqod masalasining



- qo'yilishi va uning diniy-falsafiy germenevtik tahlili. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(5), 1058-1068.
9. Форобий. Рисолалар. Т.:Фан, 1975.- bet 235.
10. Фахриддин Розий “Чахордах рисола” Тегеран, 1340 г. хиджри, 185 стр.
11. Фахриддин Розий. Ар-рисолат-ул-камолия. Тегеран, 1335 г. хиджри,- с 215.
12. Фахриддин Розий. Жомеъ ул-улум. Тошкент, 1331 г хиджри, 490 б.
13. Umarjonov, S.S. (2021). Ijtimoiy – gumanitar fanlarni o'qitishda Fahriddin Roziyning ontologik qarashlarining o'rni va ahamiyat. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(9), 1029-1038.
14. Safarov, M.K., Umarjonov, S.S. (2022). Matter of consciousness in the philosophy of ar-Roziy and its current importance. 3rd International scientific and practical internet conference. "Integration of education, science and business in modern environment: Winter debates", 135-138.
15. Umarjonov, S. (2021) Ijtimoiy fanlarni o'qitishda Fahriddin Roziy asarlarining o'rni va ahamiyati. Yangi O'zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishning ilmiy-innovatsion yo'nalishlari Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman, 116-123.
16. Umarjonov, S. (2019) Kalom va uning Fahriddin Roziy falsafiy qarashlaridagi ahamiyati. Asian civilization and Silk Road. the 20th International conference of East Asian humanities society, 3, 405-407.